



QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI HOKIMINING QARORI

181000 O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Mirishkor tumani Yangi Mirishkor shaharchasi, tel: 652-18-58, 652-10-34, faks: 652-14-65, 652-19-48

2021 йил «31» май

193-4-63-Q/21

Миришкор туман ҳокимияти

Тумандаги Бўстон МФЙ ҳудудидаги 10-сонли МТМ ни (180 ўринли реконструкция) таъмирлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддалари, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунинг 6,25- моддалари ,Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги ““Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги RQ-5048 сонли қарорига мувофиқ, 2021 йилда умумий ўрта таълим мактаблари ва ижтимоий соҳа объектлари (соғлиқни сақлаш муассасалари) ни қуриш, реконструкциялаш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компаниясининг 07.04.2021 йилдаги № 582 сонли хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миришкор туман Бўстон МФЙ ҳудудидан 10-сонли МТМ ни (180 ўринли реконструкция) таъмирлаш ишлари амалга ошириш бўйича , Қашқадарё вилоят ҳокимлиги инжиниринг компаниясининг 07.04.2021 йилдаги № 582 сонли хати ижро учун қобул қилиниб, Бўстон МФЙ ҳудудида жойлашган 10-сонли МТМ ни 15.12.2014 йилдаги кадастр йиғма жилди асосида мавжуд 6938.51 кв.метрда реконструкция ишлари амалга оширилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясига вилоят Қурилиш бош бошқармасидан архитектура режалаштириш топшириқномаси олиш, лойихачи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган лойиха ҳужжатлари бўйича туман қурилиш бўлимини 3 (уч) иш куни муддатида хабардор қилиш ва вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтиб қурилиш ишларини бошлаш юклатилсин.

3. Туман қурилиш бўлими (К.Худойбердиев) га ишлаб чиқилган лойиха

хужжатлари асосида қурилиш ишларини бориши тўғрисида йиғма жилдни шакллантириш юклатилсин.

4. Давлат кадастрлари палатасининг Миришкор туман филиали (А.Каххоров) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) қайта белгилашни амалга ошириб ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлайдиган ҳужжатлар қайта берилишини таъминлаш ҳамда давлат ер кадастр ҳисоботига тегишли ўзгартиришлар киритиш юклатилсин.

5. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин ҳамда туман ҳокимлигининг Миришкор туман ҳокимлиги расмий веб-сайтида жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиб бориш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Арзиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Ч.Санаев